

Қирғизистоннинг Ош шаҳрида Чубак ҳожи Жалиловнинг ёрқин хотирасига бағишланган “Азон мусобақаси” ўтказилди



14:44 / 28.05.2023 940

Қирғизистон Республикаси Ош шаҳрида Чубак ҳожи Жалиловнинг ёрқин хотирасига бағишланган “Азон мусобақаси” бўлиб ўтди.

Ушбу мусобақада Ўзбекистонлик муаззин Ҳамзахон Дадаев биринчи ўринга муносиб кўрилди.

Албатта, бу Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Нуриддин домла Холиқназаров ҳазратларининг ташаббуси билан ташкил қилинган ҳамда шайх Алижон қори тарафидан олиб борилган “Азон дарслари”нинг амалий натижаси.

Зеро, мазкур мусобақанинг мутлақ ғолиби Ҳамзахон Дадаев ҳам “Азон дарслари”нинг энг фаол иштирокчиларидан ҳисобланади.

Манба: alquranuz





and
SPIRITUAL ADMINISTRATION OF MUSLIMS OF KYRGYZSTAN





